

РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – МАКТАБЛАРДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИНГ ГАРОВИ

Ботиров Хамид Хакимович

Doctor of Philosophy in law (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12745976>

Аннотация. Мактабларнинг рақобатбардошликни таъминлашда қонун ҳужжатларнинг ўзгариб бориш жараёнлари, нодавлат мактабларнинг таълим бозорида ўрни бўйича масалалар таҳлил этилган. Шу билан бирга пуллик таълим хизматларнинг мактабларда рақобат муҳитини яратиш билан боғлиқ вазиятларга таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: қонун ҳужжатлари, нодавлат мактаблар, пуллик таълим хизматлари, инсон капитали.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ – ЗАЛОГ ЭФФЕКТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ШКОЛ

Аннотация. Анализируются процессы изменения нормативно-правовых актов в обеспечении конкурентоспособности школ, роль негосударственных школ на образовательном рынке. При этом изучено влияние платных образовательных услуг на ситуации, связанные с созданием конкурентной среды в школах.

Ключевые слова: законодательство, частные школы, платные образовательные услуги, человеческий капитал.

ENSURING COMPETITIVENESS IS THE KEY TO EFFICIENT OPERATION OF SCHOOLS

Resume. The processes of changing legal acts in ensuring the competitiveness of schools, the role of non-state schools in the educational market are analyzed. At the same time, the influence of paid educational services on situations related to the creation of a competitive environment in schools was studied.

Keywords: legislation, private schools, paid educational services, human capital.

Мактаб таълимида олиб борилаётган ислохотлар, таълим сифатининг ошишига ва бир канча ўзгаришларига олиб келди. Мактаб таълими соҳасида мазкур ўзгаришлар глобаллашув, кадрлар салоҳияти, ўзаро ҳамкорлик ва интеграциялашув, мактабларнинг замонавий моддий-техник база билан жиҳозланганлиги, ўқув фаолиятида янги замонавий ўқитиш технологияларнинг жорий этилиши, таълимга янги хизмат турларининг кириб келиши рақобатнинг кучайишига замин яратади.

Мактаблар ижтимоий соҳалар қаторига киради, бироқ шунга қарамай иқтисодий жиҳатдан таълим хизматларида пуллик таълим хизматларни кўрсатмоқда, яъни имкон қадар кўпроқ истеъмолчиларни жалб қилишдан манфаатдор бўлган бозор субъекти сифатида эътироф этилмоқда. Бинобарин, мактаб ҳам бошқа соҳалар сингари рақобат курашига киради ва таълимда рақобатбардошликни таъминлашга ҳаракат қилади.

Таълимда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мактабларнинг таълим соҳасида рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантиришнинг дастлабки шарт ҳисобланади.

Ўзбекистонда таълимни ислох қилишнинг бошланиши 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланган. Мазкур қонунлар 23 йил давомида таълим

соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб келган. Бу давр мобайнида бир қанча қонун ости ҳужжатлар қабул қилинди ва ушбу қонун бир қанча ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз бошидан кечирди.

Шу билан бирга глобаллашув жараёнда илм-фаннинг ўзгариши, таълим сифатини бошқарувида ўзгаришлар юз бериши ва таълимда нодавлат таълим секторининг таълим бозорига кириб келиши ва ривожланиши мазкур қонунларнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслиги сабаб қонунларни қайта кўриб чиқишга зарурат пайдо бўлди.

2020 йил 19 майда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда юқоридаги ўзгаришларга оид барча муносабатларни қамраб олган.

Ушбу қонун таълим хизматлари бозорини шаклланишининг ҳуқуқий шарти бўлди ҳамда таълим тизимида рақобатбардош вазиятни яратишга хизмат қилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 41-моддасига кўра таълим ташкилотларининг рейтингини таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадларида белгиланди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида мактаб таълим тизимида рақобат муҳитини янада жадаллаштириш ва шунингдек ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” [1.] ишлаб чиқилди. Унда 48 та мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича аниқ механизмлар белгиланди.

Мактаб таълимида инсон капиталини меҳнат бозорида ва умуман мамлакатда ўқувчининг рақобатбардошлик даражасини ривожлантириш, шунингдек узлуксиз таълим сифатини баҳолаш тизимини шакллантириш ва қўшимча педагогик таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш асосий мақсад ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб таълимнинг базавий қонунчилик ва меъёрий асослари шакллантирилди. Қабул қилинган қонунлар ва Ҳукуматининг таълим тўғрисидаги қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлари асосан таълим соҳасини ҳуқуқий тартибга солишни таъминлайди. Бироқ, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгарган шароитлари янги таълим тўғрисидаги қонунни қабул қилишни ва янги авлоднинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишни тақозо этди.

Таълим соҳасидаги рақобат муносабатларининг ривожланиши, жумладан, нодавлат таълим муассасалари томонидан тақдим этиладиган таълим хизматлари бозорида янги секторнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ, бу бозор иқтисодиётининг ўзгариши нодавлат секторининг шаклланишида намоён бўлди. Бу, ўз навбатида, таълим муассасалари мулкчилик шакли бўйича давлат ва нодавлат бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидаларнинг қонуний мустақамланиши билан боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, нодавлат таълим муассасалари давлат таълим муассасаларига алтернатива сифатида пайдо бўлди, бу эса жамият ҳаётида таълим мазмунининг ривожланишига ва сифатнинг ошишига, шунингдек мактаб бошқарув шакллари, усулларининг ўзгаришига ҳамда ўқувчиларнинг ўқув-тарбия ҳаётида бир қанча ўзгаришларга олиб келди.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, нодавлат таълим сектори ўқув жараёнининг сифат натижаларини бериши мумкин. Масалан, Буюк Британияда нодавлат мактаблари туманлардаги маданий ҳаёт марказлари бўлиб, давлат сиёсати томонидан қўллаб-қувватланади. Буюк Британияда 2500га яқин хусусий мактаблар бор ва уларнинг 520 мингдан зиёд ўқувчиси мавжуд. [2.]

Хитойда деярли 190,000 хусусий мактаблар бўлиб, шундан 12 мингдан ортиқ бошланғич ва ўрта мактаблар мавжуд. Уларда 56 миллиондан ортиқ ёки барча Хитой ўқувчиларнинг бешдан бир қисми таълим олади. [3.]

Фикримизча таълимда муваффақият калити бу жамият, давлат ва хусусий институтлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг самарали шакллари ишлаб чиқишдадир.

2022 йил ҳолатига кўра республика ҳудудида нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони 298 тага етган бўлиб, ушбу кўрсаткич сўнгги беш йил давомида деярли 5 бараварга ошди. [4.] Жумладан 2018 йилда 43 та, 2019 йилда 84 та, 2020 йилда 100 та, 2021 йилда 162 та нодавлат умумтаълим ташкилоти ўз фаолиятини олиб борган.

Нодавлат умумтаълим ташкилотларида таълим олиш ўртача бир ўқувчи учун бир ойга 3-4 млн. сўм (Тошкент шаҳрида) ёки 1-3 млн. сўмга (Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда) тўғри келмоқда.

Ҳозирда нодавлат умумтаълим ташкилотларида 5000дан ортиқ педагог ўз иш фаолиятини олиб бормоқда ҳамда 50 мингга яқин ўқувчи таҳсил олмоқда.[5.]

Бу кўрсаткичларда ўсиши кузатилмоқда, яъни нодавлат таълим муассасасига бўлган ишонч тенденцияси йилдан йилга ортиб бормоқда. Бунинг самараси таълим бозорида рақобат муҳитини янада ривожлантириб боради.

Шундай қилиб, таълим бозорига нодавлат таълим муассасаларининг кириб келиши билан умумий ўрта таълимнинг турлари, босқичлари, ўқув режалари ва дастурларининг хилма-хиллиги, таълим ва тарбиянинг янги усулларини жорий этиш билан ўзгаришларга олиб келди.

Сўнгги беш йилликларда шахс капиталига инвестиция киритиш ва ривожлантириш муаммолари таълим олувчиларга таълим муассасаларини танлаш ҳуқуқи вужудга келтирди ва бу таълимда яна имкониятларни кенгайтириш заруратини келтириб чиқарди. Бу таълим муассасалари ўртасида таълим истеъмолчиларини ўзига жалб этиш борасида соғлом рақобат курашини таъминлайди.

Нодавлат умумий ўрта таълимнинг кўпайиши ва ривожланиши бу асосан давлат бюджетининг юкни камайиш имкониятларига ва тадбиркорлик субъекти сифатида кўшимчасига бюджетни тўлдиришда ўз ҳиссасини кўшади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига кўра ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

Шундай бўлсада давлатнинг мазкур ижтимоий функцияси тадбиркорлар томонидан маълум миқдорда амалга оширилмоқда.

Бу эса таълим олувчиларга текин ва пуллик таълимни танлаш имконияти берилган. Бунда текин ва пуллик таълимда рақобат муҳитини шаклланиши натижасида ўқувчини ўзига жалб этиш ҳаракатлари вужудга келади. Ота-оналар ёки ўқувчилар пуллик таълимга

сифатни ва замонавий шарт-шароитларини ҳамда имкониятларни мавжудлига эътибор қаратишади.

“Таълим тўғрисида”ги қонунининг 62-моддасига кўра Давлат таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Пулли таълим хизматларини кўрсатиш давлат таълим муассасаларининг асосий фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак. Давлат таълим муассасаларида қўшимча таълим хизматлари кўрсатганлик учун ҳақ ундириш тартиби улар томонидан мустақил равишда белгиланади. Давлат таълим муассасалари пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳисобидан олинган пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этишга ҳақли. [6.]

Мактаблар расмий равишда тадбиркорлик субъекти ҳисобланамайди, бироқ мактаблар тадбиркорлик муносабатларига киришишлари, яъни бюджетдан ташқари молиялаштиришда иштирок этишлари мумкин.

Мактаблар ўртасида рақобат муносабатларнинг ривожланишига уларга қўшимча пуллик таълим хизматларини кўрсатиш имконияти берилиши туртки бўлди. Шу билан бирга бюджет маблағлари чекланганлиги сабабли, пуллик таълим хизматлари таълим муассасаларига ўзларини ривожлантириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш ва харажатларни қоплаш имконини берди.

Хусусан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги 343-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Мазкур низом билан мактабларга ўқув дастурларида назарда тутилмаган (давлат таълим стандартларидан ташқари) машғулотлар бўйича пуллик таълим хизматлари кўрсатишга қаратилган йўналишлар (аниқ, ижтимоий-гуманитар, табиий фанлар, тўгараклар ва спорт секциялари) қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиш имконияти берилди.

Бу эса мактаблар ўртасида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш орқали таълим сифатини кўтаришга ва қўшимча маблағларни жалб этишга рақобат муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бироқ амалиётда шундай ҳолатлар кузатиладики, пуллик хизмат кўрсатиш жараёнларини ривожлантиришда тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Масалан амалиётда айрим мактаблар томонидан кўрсатилган пуллик хизматлари асосида ўзлари топган даромадлари уларнинг руҳсатисиз туман халқ таълими бўлимлари томонидан рақобатлаша олмаган ва рентабилиги паст бўлган мактабларга йўналтирилади. Бу эса мактабнинг молиявий фаолиятини мустақил юритишга ва моддий-техник фаолиятини такомиллаштиришга кескин салбий таъсир этади. Шунингдек, пуллик хизмат кўрсатишга қодир бўла олган ва тумандаги бошқа мактаблар билан рақобатлаша олган макталарга нисбатан рақобат меъёрларини бузишига сабаб бўлади.

Умумий ўрта таълим муассасаларини бозор муҳитига фаол интеграциялашуви мактаблар ўртасида рақобатнинг асосий шarti бўлган молиявий мустақил бўлиши, молиялаштириш шартларининг ўзгариши билан белгиланади.

Шунинг учун ижтимоий мақсадлар учун давлат харажатларининг ўсишини жиловлаш мақсадида бюджет маблағлари билан таъминланадиган ташкилотларни бюджет

маблағларидан янада самарали фойдаланишни рағбатлантириш усуллари жорий этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур усуллар маълум миқдорда булса ҳам бюджет харажатларини тежашга олиб келади.

Биргина Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига республика бюджетидан **2020 йилда 20364400,7 млн. сўм [7.], 2021 йилда 22179243,4 млн. сўм [8.]** маблағлар ажратилган. Мазкур маблағлар камайиш ўрнига йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Мактаблар биринчи навбатда пуллик таълим хизматларини кўрсатишдан тушган даромадлари ва тадбиркорлик фаолиятдан тушган бошқа даромадлари уларнинг ўз фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилиши лозим. Бунда педагоглар ва раҳбариятни рағбатлантириш, шунингдек моддий-техник базани ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Бу уларнинг иқтисодий мустақиллигига ва ривожланиб борган сари инвестицион жозибдорлигига ҳисса қўшади. Натижада бу мактаблар ўртасида рақобатбардоршликни таъминлашга хизмат қилувчи асосий шартлардан бири сифатида баҳоланади.

Бундан ташқари, таълим муассасалари ходимларининг расмий маошларини белгилашда қўлланиладиган коэффициентларни пропорционал равишда уларнинг фаолиятини самарадорлигини баҳолаш орқали белгиланиши мактабларнинг рақобатбардоршлигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан ўқитувчилар тоифаларига, хорижий тилларни билиш даражасига (тегишли сертификат асосида), умумтаълим фанларни билиш даражасига (тегишли сертификат асосида) ҳамда халқаро ва асосий олимпиаданинг республика босқичида ғолиб бўлган ўқувчиларига қараб уларга иш ҳақи ва устамалар белгиланади. Буларнинг барча педагогларни рақобатбардоршлигини таъминлаш мақсадида тегишли равишда молиялаштирилади.

Таъкидлаш жоизки, барча умумтаълим муассасалари бир хил равишда молиялаштирилмайди. Бу асосан таълимга муассасасига қўшимча бино қуриш ёки реконструкция қилиш, амалдаги ўқувчилар сонидан келиб чиқиб молиялаштиришга оид вазиятларга боғлиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, мактабларда рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантириш ўқувчиларни ўзига жалб этишга, педагогларни ҳар томонлама рақобатбардоршлигини таъминлайдиган механизмларни жорий этишга, молиявий маблағларни мустақил белгилашга боғлиқдир. Айниқса мактаблар бюджет маблағларини сарфлашда, биринчи навбатда таълим жараёнига рақобатбардор педагогларни жалб этиш ва уларга иш ҳақини тўлашда кўпроқ эркинликка эга бўладилар.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони 1-илоvasи билан тасдиқланган.
2. <https://www.forbes.ru/forbeslife/357087-gde-britanskie-chastnye-shkoly-berut-dengi>
3. <https://www.ft.com/content/56a18391-2fbc-4d33-aae8-591cf233b6a7>
4. <https://data.egov.uz/uzbKr/data/6115217a114fbfdc20c35c5b>
5. https://t.me/statistika_lotin/194
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
7. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон Қонуни билан тасдиқланган 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонуни билан тасдиқланган 2021 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари.